Адл ила олам юзин обод қил!

# Куч – адолатда

2025 йил
10 январь,
жума
№ 1-2-(1036)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ – МУҲОКАМАДА

***“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга ошириш бўйича Давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.***

Давлат дастури лойиҳасида 5 та устувор йўналиш бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилмоқда.

Дастур лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизғин муҳокама қилинмоқда, фракциялар ва қўмиталар йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилмоқда. Сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар аъзолари ушбу дастурий ҳужжат мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ўз муносабати ва таклиф-тавсияларини билдирмоқда.

– Давлат дастури лойиҳасида мамлакатимизни комплекс ривожлантириш юзасидан барча соҳа ва йўналишлар бўйича жорий йилда амалга ошириладиган устувор мақсад-вазифалар белгилаб олинган, – дейди депутат, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Хушвақт Ҳайитов. – Айниқса, рақамлаштириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, бундай оилалар фарзандларининг билим олиши, ахборот технологияларини ўзлаштириши учун шароитлар яратиш, шу билан бирга, уларга келгусида давлат гранти асосида квоталар ажратиш масалалари ўз аксини топгани эътиборлидир. Бундан ташқари, яшилликни кенгайтириш, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли вазифалар кўзда тутилаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Лойиҳадаги чора-тадбирлар мамлакатимиз равнақига, ҳаётимизни янада яхшилашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, 2025 йилги давлат дастури лойиҳасида кўзда тутилаётган барча йўналишдаги мақсад-вазифалар эртанги кунимизни янада фаровон қилишда, юртимиз ривожини юқори поғонага кўтаришда муҳим ўрин тутади. Ҳужжат лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси давомида янада халқчил ва ҳаётий ҳужжатга айланиши шубҳасиз.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
*ЎзА мухбири*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

2024 йил 16 декабрь | № 36 | Тошкент шаҳри

## Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

*Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётида қонунчиликнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига мувофиқ, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ер тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг (бундан буён матнда Ер кодекси деб юритилади) 2-моддасида кўрсатилган принципларга асосланади.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Қонунчиликдаги янгиликлар

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди.*

### Парламент фаолияти



### МАЖБУРИЯТЛАР РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН СОЛИҚ ҚАРЗИГА ПЕНЯ ҲИСОБЛАНМАЙДИ

Мазкур қонун лойиҳаси бўйича Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директорининг биринчи ўринбосари Шавкат Ҳайдаров маъруза қилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қарздорнинг ундурувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари мавжуд бўлмаса, ижро иши юритиш тугатилиши белгиланган.

(Давоми 5-бетда) ▶



## Тергов судьяси ЛАВОЗИМИ

### унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

*Ислоҳотлар натижасида суд-тергов амалиётида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган илғор ва самарали механизмлар йўлга қўйилди.*

**Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида шу ҳақда гап борди.**

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан бу жараён янада такомиллаштирилмоқда.

Мазкур қонун билан жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд томонидан ишончли таъминлаш мақсадида жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида жорий этилган тергов судьяси лавозимининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида шу ҳақда гап борди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

2024 йил 16 декабрь | № 37 | Тошкент шаҳри

## Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, судлар томонидан қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, фуқаролик ишлари бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат.

2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг (бундан буён матнда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун деб юритилади) 3-моддасига мувофиқ, давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов ҳисобланади.

Давлат божи бошқа турдаги мажбурий тўловлар қатори Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши боис, судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божини ундириш тўғрисидаги қонун талабларига қатъий риоя этишлари шарт.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланган шахсларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.*

### Қонун моҳияти

## Одам савдосига ҚАРШИ КУРАШ

### бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда





**Абдулҳаким ЭШМУРОДОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси*

Бунинг натижасида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ишлар тизимлаштирилди. Одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди.

Ўз навбатида, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган ислоҳотлар замонга ҳамнафас, қонунчиликка мутаносиб бўлиши керак. Бинобарин, бугунги кунда миллий қонунчиликда одам савдоси жинояти учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган.

(Давоми 5-бетда) ▶

### Жамиятимиз мақсади

## Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги янги қадамлар



*Халқимизнинг хоҳиш-истакларини ўзида ифода этган янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб белгиланганлиги мамлакатимизда барқарор ижтимоий муҳит шаклланишига хизмат қилмоқда. Ижтимоий давлат – ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойга эга бўлиш шароити мавжуд бўлган, ижтимоий тафовутлар юмшатилган, мувозанатлашган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлатдир.*



**Дилмурод ОРТИҚОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

Бу борадаги яна бир муҳим ҳужжат Президентимизнинг **“Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонидир. Фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, шунингдек, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман ва шаҳарларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, вояга етмаган болалар ва аёлларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалар, ёшлар, ёлғиз кексалар билан ишлаш йўналишларида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий вазифалари белгилаб берилди.

(Давоми 5-бетда) ▶



Тарих тилсимлари

Аҳмад ШИМШИРГИЛ

## АМИР ТЕМУР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

### ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕИ

Испан элчиси Клавихо ўз эсдаликларида Амир Темур Анқара жангидан қайтгач, Самарқандда берган тўю тантаналари чоғида саройда қироличани кўргани, унинг олтин иплар билан тикилган шоҳи кўйлаги этагини ўн бешта хотин ортидан тутиб бораётгани, кўшкка киргач, у Амир Темурдан бироз нарида ўтирганини ёзади. Хуллас, Амир Темур назарида, хотин-қизлар алоҳида ўрин ва эътиборга сазовор бўлган. Улар, аввало, онадир ва оналик ҳурматига лойиқдир. Амир Темур болалари тарбиясини Сароймулк хонимга топшириб қўйгани маълум.

(Давоми 6-бетда) ▶

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг**
**ҚАРОРИ**

# Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ер кодексининг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра, қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари — шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар — кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар — муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар — моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари — ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) захира ерлар.

Ушбу ер фондларидан белгиланган меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида фойдаланмаслик маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

2. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) $229^{1}$-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объекти ер участкаларини бошқариш ёки тақсимлашнинг қонунчиликда белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ер участкаси деганда, ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми тушунилади (Ер кодексининг 10-моддаси).

3. Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда, қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилмаган (реализация қилинмаган), шу жумладан, берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари ваколатли органлар томонидан натурада (жойнинг ўзида) белгиланмаган, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилмаган ҳолда фойдаланиш тушунилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МЖтК деб юритилади) 60-моддаси билан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтдан бошлаб, бир йил мобайнида шахснинг ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши ЖК $229^{1}$-моддасининг 1-қисми билан жавобгарликка тортишнинг зарурий шартидир.

4. ЖК $229^{1}$-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объекти суғориладиган ер участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ер кодексининг 44-моддасига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлардир.

5. Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда, қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилмаган (реализация қилинмаган), шу жумладан, берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари ваколатли органлар томонидан натурада (жойнинг ўзида) белгиланмаган, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилмаган ҳолда фойдаланиш тушунилади.

Суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ушбу ер майдонларида ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан қурилиш ишларини амалга оширишда ифодаланади.

Суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноят аниқланган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

6. Судлар суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноятини МЖтК 60-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқлашлари зарур.

МЖтК 60-моддасининг 3-қисмида суғориладиган ер участкалари тоифасига кирмайдиган ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ҳамда туташ бўлмаган ерларда қурилиш ишларини амалга оширганлик учун жавобгарлик назарда тутилганлиги тушунтирилсин. Агар суғориладиган ер участкалари уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган бўлса, айбдорнинг ҳаракати ЖК $229^{1}$-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади.

7. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган суғориладиган ер майдонида қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш объектлари сотилса, қилмиш ЖК $229^{1}$-моддасининг 2-қисми ва 168-моддасининг тегишли қисми билан жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинади.

8. Суғориладиган ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, ушбу ер участкасида қурилиш ишлари амалга оширилмаган ҳолда ўзга шахсга сотилса, қилмиш фирибгарлик сифатида ЖК 168-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниб, ЖК $229^{1}$-моддасининг 2-қисми билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

9. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар ўзларига ажратилган ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиши оғир оқибатларга олиб келса (масалан, балиқ ҳовузини барпо қилган, тупроғини сотган ҳолатда ерни нобудгарчиликка олиб келган ва шу каби бошқа ҳолатлар), қилмиш ЖКнинг 197-моддаси билан квалификация қилинади.

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш натижасида келиб чиқадиган оқибатларнинг оғирлиги, судлар томонидан тегишли соҳа мутахассисларининг хулосалари ёки далолатномаларига асосан баҳоланади.

Суғориладиган ердан фойдаланувчилар (фермер, деҳқон хўжалиги ва бошқалар) улардан фойдаланиш шартларини бузган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширса, уларнинг ҳаракатлари ЖК $229^{1}$-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади.

Суғориладиган ер майдонининг эгаси, мисол учун фермер хўжалиги раҳбари бошқа шахс томонидан суғориладиган ер майдонида қурилиш ишларини амалга оширилишига йўл қўйса, тегишли асослар бўлган тақдирда, унинг ҳаракатлари ЖК $197^{1}$-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

10. Расмий ҳужжатни сохталаштириб ва ундан фойдаланиш орқали суғориладиган ерга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилиб, ушбу ер участкасида қурилиш ишлари амалга оширилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 228-моддасининг тегишли қисмлари ва $229^{1}$-моддасининг 2-қисми билан жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинади.

Агар ерга бўлган ҳуқуқни белгиловчи расмий ҳужжатни сохталаштириш мансабдор шахс билан тил бириктирган ҳолда содир этилган бўлса, мансабдор шахснинг ҳаракати ЖК 209-моддасининг тегишли қисми, бошқа шахснинг ҳаракати эса, иштирокчилик сифатида ЖК 28, 209-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

11. Тушунтирилсинки, ЖКнинг $229^{1}$-моддасида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс деганда, муқаддам ер билан боғлиқ жиноятларни содир этмаган, жиноий жавобгарликдан озод қилинган ёки бундай жиноятларни содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугаган ёхуд олиб ташланган шахс тушунилади.

ЖК $229^{1}$-моддасининг 3-қисмига асосан, жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишда, ўттиз кунлик муддат ичида ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилганлиги ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этганлиги фактини тасдиқловчи далиллар (тўлов топшириқномалар, чипталар, ер участкасининг қайтарилганлиги ҳамда ноқонуний қурилма бузилганлиги ҳақидаги далолатномалар) мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Шу муносабат билан, дастлабки тергов ёки судда иш кўриш пайтида айбдор томонидан юқоридаги ҳолатлар бартараф этилганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса, суд қарорларида ушбу оқибатлар айнан қачон бартараф этилганлиги муддати аниқ кўрсатилиши зарур.

Зарар суммасини аниқлаш учун тегишли мутахассис ёки эксперт хулосаларидан ташқари, ушбу ҳолатларни аниқлашга кўмак берадиган ва бугунги кунда фойдаланилиб келинаётган “Google Map” ҳамда шу каби бошқа дастурлардан кенг фойдаланилиши лозимлиги тушунтирилсин.

Зарарни ҳисоблашда ўзлаштирилган ҳудуддаги фойдаланишга яроқли бўлган ҳудуд чегирилиб, ҳақиқатдан ҳам, нобудгарчиликка йўл қўйилган (қурилиш ости) ер майдонидан келиб чиқиш лозим.

Шунга кўра, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда ва суд ҳукмида иш бўйича ерни нобудгарчиликка йўл қўйилганлиги натижасида етказилган зарар ва ундирилиши лозим бўлган пул миқдорини аниқ кўрсатилишига эътибор қаратилсин.

12. Шахсни ЖКнинг $229^{4}$-моддасида назарда тутилган ер бериш тартибини бузганлик учун жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти муқаддам шундай қилмишни содир этганлиги учун маъмурий жазога тортилган бўлишидир.

Ер бериш тартибини бузиш деганда, ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), улардан доимий фойдаланиш ва уларни ижарага беришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этмаслик тушунилиб, судлар ҳукмда айнан қайси тартиб бузилганлигини аниқ кўрсатишлари зарур.

13. ЖКнинг $229^{4}$-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти ер бериш тартибига риоя қилиши лозим бўлган шахслар ҳисобланади.

Ушбу жиноятни содир қилишда иштирок қилган, бироқ жиноят субъекти ҳисобланмайдиган шахсларнинг қилмиши иштирокчилик сифатида ЖК 28, $229^{4}$-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши зарур.

14. Шахс илгари маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг ер бериш тартибини икки ва ундан ортиқ маротаба бузган ҳамда жиноят содир этилган вақтда бу ҳаракатлари учун судланмаган бўлса, унинг ҳаракати такроран жиноят содир этиш сифатида ЖК $229^{4}$-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан квалификация қилиниши лозим.

15. Ер бериш тартибини бузиш суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлса, шахснинг ҳаракатлари ЖК $229^{4}$-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан квалификация қилинади ва бунда илгари шундай ҳаракати учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмайди.

Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотидан чиққан деб баҳолашда, бу ҳақда мутахассиснинг хулосаси олинган бўлиши керак.

16. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ер бериш тартибини бузиш жиноятини ЖК $229^{4}$-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан квалификация қилишда, ҳар қайси иштирокчининг жиноятда иштирок этганлик даражаси ва хусусиятини аниқлаш, олдиндан тил бириктириш бўлган-бўлмаганлигини ва улар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганлигини синчиклаб текшириш лозим.

Ер бериш тартибини бузишда бевосита иштирок этган ва ер бериш тартибига риоя қилиши лозим бўлган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖК $229^{4}$-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан квалификация қилинади.

Ер бериш тартиби бузишда бевосита иштирок этмаган, бироқ ушбу тартибни бузиб, ер ажратилишига кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ЖК 28, $229^{4}$-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади.

17. ЖКнинг $229^{6}$-моддасида суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга берганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш деганда, уни бошқа шахсларга моддий манфаат ёки бошқа ҳақ эвазига ўтказиш тушунилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш деганда, суғориладиган ер участкасини ёки унинг бир қисмини ҳуқуқи бўлмаган шахснинг тўлиқ эгалигига, вақтинча фойдаланишга ёхуд бошқача тарзда фойдаланишга топшириш тушунилиши керак.

18. ЖКнинг $229^{6}$-моддасида назарда тутилган жиноят суғориладиган ер участкаси ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга беришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

19. ЖКнинг $229^{6}$-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотган ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга берган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

20. Фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (масъулияти чекланган жамият, хусусий, оилавий, қўшма ва хорижий корхоналар, акционерлик жамиятлари ҳамда бошқалар) мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб, суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиши ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериши ЖК $229^{6}$-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан квалификация қилиш учун асос бўлади.

Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатини ЖКнинг 205-моддаси ёки $192^{11}$-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

21. Агар шахс ўзининг суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини сотиш ёки қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга беришдан ташқари, суғориладиган ерлар тоифасига кирмайдиган ва ўзгага тегишли бўлган ер участкасини ҳам сотса, унинг ҳаракати ЖК $229^{6}$-моддасининг тегишли қисми ва 168-моддасининг тегишли қисми билан жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинади.

22. Шахс суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини сотиш ёки қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга беришдан ташқари, пора беришга далолат қилган бўлса, унинг қилмиши ЖК $229^{6}$-моддасининг тегишли қисми ва 28, 211-моддасининг тегишли қисми билан жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилиниши лозим.

Пора беришга оғдирилган шахснинг ҳаракатлари эса, пора беришга суиқасд сифатида ЖК 25, 211-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади.

23. Судларга тушунтирилсинки, ер (мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаси бундан мустасно) талон-торож жиноятлари предмети ҳисобланмаслиги сабабли, ер участкаларининг ноқонуний эгаллаб олиниши ёки турли асосларга кўра, унга бўлган ҳуқуқни қонунга хилоф равишда бошқа шахсларга ўтказилиши ЖКнинг 167, 168-моддалари билан квалификация қилинмайди.

24. Судларга бу тоифадаги ишларни кўришда, ердан ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни ундириш масаласини муҳокама қилган ҳолда, уни ундирилишини таъминлаш чораларини кўришлари лозимлиги тушунтирилсин.

25. Қонунга хилоф равишда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилиши сабабли, суд қарорларида манфаатдор тарафларга тегишли тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилиши зарур.

26. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ер билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб боришлари ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** — **Б. ИСЛАМОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** — **Н. ХАКИМОВА**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

# Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

3. Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини ундириш билан боғлиқ масалалар “Давлат божи тўғрисида”ги қонун, ушбу қонун билан тасдиқланган “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари” ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 13-бобига мувофиқ тартибга солинади.

4. Тушунтирилсинки, фуқаролик ишлари бўйича давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) судларга бериладиган даъво аризалардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризалардан;

2) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан;

4) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан;

5) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган даъво аризаларидан;

6) апелляция, кассация ва тафтиш тартибидаги шикоятларидан:

а) судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан;

б) иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

в) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги ишлар бўйича ажримлар устидан;

г) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ажримлар устидан;

д) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалар бўйича ажримлар устидан;

7) ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини (шу жумладан, такрорий равишда бериладиган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини) берганлик учун.

Судларга тушунтирилсинки, ФПКнинг 396, 416 ва $419^{27}$-моддаларига асосан, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси судлари суд ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шартлигидан келиб чиқиб, суд қарорларининг суд харажатлари қисмидан норози бўлиб берилган апелляция, кассация ва тафтиш шикоятлари бўйича давлат божи умумий асосларда тўланади, давлат божи билан боғлиқ масалалар бўйича чиқарилган ажримларга нисбатан берилган хусусий шикоятлар бундан мустасно.

5. Давлат божи ва почта харажати ариза, даъво аризаси, шикоят (бундан буён – ариза) судга берилгунга қадар тўланади, қонун билан давлат божи тўлови бўйича бошқача тартиб белгиланган ҳоллар бундан мустасно (масалан, аризачи қонун билан давлат божини тўлашдан озод қилинган, суд томонидан давлат божи тўлови кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланган ҳоллар).

Бунда, судларнинг эътибори почта харажатлари тўловидан озод қилиш, уни кечиктириш, камайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш қонунда назарда тутилмаганлигига қаратилсин.

Давлат божи тўланганлиги факти:

банк томонидан тўловчига берилган белгиланган шаклдаги тўлов ҳужжати (квитанция, тўлов топшириқномаси ва бошқалар);

белгиланган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёки давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига берилган тўлов ҳужжати;

электрон тўлов тизимидан олинган маълумотлар билан тасдиқланади.

Даъво баҳоси чет эл валютасида белгиланган мулкий низо бўйича судга ариза берилганда, давлат божининг миқдори ариза тақдим этилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгиланади.

Агар муайян судда алоҳида кўрилиши керак бўлган бир нечта аризалар бўйича давлат божи бир тўлов ҳужжати билан тўланган бўлса, тўлов ҳужжати ишлардан бирига илова қилинади. Қолган ишларга тўлов ҳужжатининг нусхаси қўшилиб, унинг асли қўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда судья томонидан давлат божи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади ёки маълумотнома тузилади.

Мазкур қоида почта харажатлари тўлов ҳужжатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

6. Шуни назарда тутиш кераккки, тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори арз қилинган талабнинг хусусиятига (мулкий ёки номулкий) боғлиқ бўлади ва “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун билан белгиланган ставкалар бўйича аниқланади.

Даъво талаби мулкий хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи миқдорини даъвогар томонидан кўрсатилган даъво баҳосидан келиб чиқиб, ФПКнинг 129 ва 130-моддаларига мувофиқ судья белгилайди.

Мулкий хусусиятга эга бўлган бир нечта мустақил талаблардан иборат даъво аризалардан давлат божи умумий даъво суммасидан келиб чиққан ҳолда ундирилади.

Бир нечта мустақил талабларни ўз ичига олган номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалардан ҳар бир талаб учун алоҳида давлат божи ундирилади.

Бир вақтнинг ўзида мулкий ва номулкий хусусиятга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб учун алоҳида, мулкий ва номулкий хусусиятдаги аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. Масалан, никоҳдан ажратиш ва мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво талаблари битта аризада берилганда ёки уйдан кўчириш ва уйга киритиш ҳақидаги талаблар битта ишга бирлаштирилганда, давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида ундирилади.

Шу билан бирга, судларнинг эътибори, бир вақтнинг ўзида бири иккинчисидан келиб чиққан талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи фақат асосий талаб бўйича ундирилишига қаратилсин (масалан, қурилмани буздириш ва ерни ўз ҳолига қайтариш; кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, кредит қарздорлигини ундириш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш; меросхўр деб топиш, меросни тақсимлаш ва мерос улушларини белгилаш; уй-жойга киритиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш; фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва турар жойдан кўчириш ҳақидаги талаблар ва ҳоказо).

7. Агар суд томонидан иш кўрилиши жараёнида даъво баҳоси кўпайтирилган бўлса, давлат божи даъвонинг кўпайтирилган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг саккизинчи қисми).

Бунда, келиб чиққан давлат божидаги фарқ даъво рад қилинганда давлат фойдасига даъвогардан, даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда эса, жавобгардан қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Суд қонунда белгиланган ҳолларда арз қилинган талаблар доирасидан четга чиққанида ҳам давлат божи шундай тартибда ҳисобланиб, даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Иш кўрилиши жараёнида даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган ҳолларда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг еттинчи қисми).

Судларнинг эътибори, дастлаб давлат божи тўланмасдан (кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш, камайтириш ёки озод қилиш ҳолларда) иш юритишга қабул қилинган даъво ариза бўйича кейинчалик даъвонинг баҳоси камайтирилган ҳолларда, давлат божини ундириш масаласи судья томонидан иш якуни бўйича қарор қабул қилишда умумий асосларда ҳал қилиниши лозимлигига қаратилсин.

8. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, давлат божи қуйидаги ҳолларда умумий асосларда ундирилади:

қарши даъво аризалардан;

учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблар билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан.

Ишга киришган даъвогарнинг ҳуқуқий ворисидан давлат божи, агар у даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, умумий асосларда ундирилади.

Бунда, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 7-моддасининг иккинчи қисми ва 8-моддаси қоидалари инобатга олиниши лозим.

9. Даъво бир нечта даъвогар томонидан биргаликда бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўнинчи қисми).

Бир даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан даъво тақдим этилганда ҳам, шунингдек, судья томонидан бир турдаги бир нечта талаб бир иш юритишга бирлаштирилганда ҳам давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ундирилади (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўн биринчи қисми).

Бирлаштирилган бир ёки бир нечта даъво талаблари судья томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда, қонунчилик талабларига мувофиқ тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди.

У алоҳида ажратилган иш юритиш бўйича ҳисобга олинади ва бу ҳақда судья томонидан тегишли маълумотнома тузилиб, тўлов ҳужжатининг нусхаси билан бирга иш материалларига қўшиб қўйилади.

10. Судга ариза давлат божи тўловисиз келиб тушганда, судья аризачи қонун билан уни тўлашдан озод қилинган-қилинмаганлигини текшириши шарт.

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган жисмоний ва юридик шахслар рўйхати “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 8-моддасининг биринчи қисмида белгиланган.

Бунда, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучда қолиши инобатга олиниши лозим.

Агар аризачи қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларига кўра, давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашни кечиктириш, камайтириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида илтимоснома мавжуд бўлмаса, шунингдек, почта харажатлари тўланмаган бўлса, судья аризани қайтариш ҳақида ажрим чиқаради (ФПК 195-моддаси биринчи қисмининг 7-банди). Ажримда тўланиши лозим бўлган давлат божи, почта харажатлари суммаси кўрсатилиши ва ушбу камчилик бартараф қилинганидан сўнг такроран мурожаат қилиш имконияти мавжудлиги тушунтирилиши лозим.

ФПК 133-моддасининг иккинчи қисми ва 193-моддасига мувофиқ, судья фуқаролик ишини қўзғатиш босқичида аризачининг илтимосномаси бўйича унинг мулкий аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга, бўлиб-бўлиб тўлашга ёки миқдорини камайтиришга ҳақли бўлиб, бу ҳақда аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақидаги ажримида ёхуд аризачининг илтимосномасини қаноатлантириш ҳақидаги алоҳида ажримда кўрсатади.

Илтимоснома рад қилинганда, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар судьянинг ажрими билан аризачига қайтарилади.

11. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида, ушбу модда биринчи қисмининг 10, $13^{2}$, 14, 33-36 ва $37^{1}$-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талаблари қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг йигирма учинчи қисмида давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларни қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилиши кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, судларга тушунтирилсинки, бундай талаб ФПК 138-моддасининг бешинчи қисмида ҳам белгиланганлигидан келиб чиқиб, давлат божини тўлашдан озод этилган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, ташкилотларнинг юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан (агар улар қонунга мувофиқ давлат божи тўлашдан озод қилинмаган бўлса) даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилиши лозим.

Шу билан бирга, кўрсатилган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан топширилган ариза, апелляция, кассация, тафтиш шикоятларини қабул қилишда, судлар манфаатлари кўзланган юридик ва жисмоний шахсларнинг бундай мурожаат қилишга розилиги мавжудлигини текширишлари лозим.

12. ФПК 133-моддасига асосан, ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган суд харажатларини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни бир йўла ёки қисман тўлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи далиллар мавжудлигини (масалан, иш ҳақи (даромади), банкда маблағлари мавжуд эмаслиги, аризачининг оиласи кам таъминланган деб тан олинганлиги тўғрисидаги ваколатли органнинг маълумоти (маълумотномаси) ва ҳоказо) текшириши лозим.

Юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар давлат божи тўловини кечиктириш, камайтириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиб, унга банкнинг ҳисоб рақамида пул маблағи мавжуд эмаслиги ёки етарли эмаслиги ҳақидаги маълумотномани илова қилганда, ушбу маълумотнома судга мурожаат қилинган кундан кўпи билан уч кун олдинги сана билан қайд этилган бўлиши лозимлиги, бу муддатдан аввалги санадаги маълумотнома инобатга олинмаслигига судларнинг эътибори қаратилсин.

13. Давлат божини қайтариш “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 18-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилади. Давлат божи қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми қайтарилади. Қонуннинг ушбу моддасида қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлиқ миқдорда қайтарилиши лозим.

Судларнинг эътибори давлат божи суммаларининг қайтарилиши “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 18-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган тартибда суд ҳужжатига асосан амалга оширилишига қаратилсин.

Агар даъвогар давлат божини тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси уни қайтариш учун асос бўлади.

Бунда, судлар почта харажатларини қайтариш қонунда назарда тутилмаганлигини инобатга олишлари лозим.

14. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, ФПК 123-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ, суд ФПК 122-моддасининг 1, 3, 4 ва $10^{3}$-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани кўрмасдан қолдирганда, давлат божини қайтариш масаласини ҳал қилиши ва бу ҳақда ажримда кўрсатиши лозим.

Бундан ташқари, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 18-моддаси биринчи қисмининг 5, 10, 11, 13 ва 14-бандлари талабларига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда ҳам давлат божи тўлиқ ёки қисман қайтарилади:

- агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда, бундан иш тааллуқлилигига кўра бошқа судга кўриб чиқиш учун ўтказилган ҳоллар мустасно;
- ишда иштирок этган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;
- агар ишда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган бўлса;
- даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (эътироз билдириш) тартибига риоя этмаганда, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;
- суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда.

Суд ФПКнинг тегишли моддаларида кўрсатилган асослар бўйича аризани кўрмасдан қолдирганда ёки иш юритишни тугатганда, давлат божини қайтариш ҳақида ҳам ўз ажримида кўрсатиши лозим.

Шу билан бирга, ариза ФПК 122-моддаси биринчи қисмининг 5, 6, 9 ва $9^{1}$-бандларига асосан кўрмасдан қолдирилганда, даъво ариза берилганда кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланган давлат божи тарафлардан ундирилмаслиги инобатга олиниши лозим.

15. Суд томонидан илгари кўрмасдан қолдирилган такроран берилган ариза бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади.

Шу билан бирга, агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан тўланган давлат божи қайтарилиши белгиланган бўлиб, амалда қайтарилмаган бўлса, у бюджетга ўтказилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати даврида, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг тўртинчи қисми).

Ушбу қоида ариза, апелляция, кассация ва тафтиш шикояти қайтарилган ва такроран берилган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

16. Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди, бироқ у бюджетга ўтказилган кундан эътиборан ФКнинг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати даврида, ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво иши юритиш тартибида даъво қўзғатилган тақдирда, тўланган давлат божи тўланиши лозим бўлган божга қўшиб ҳисобланади (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг тўртинчи ва йигирма бешинчи қисми).

(Давоми 4-бетда) ▶

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
### ҚАРОРИ

# Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Судлар инобатга олишлари керакки, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани ФПК 175-моддасида кўрсатилган асослар билан қабул қилиш рад этилганда тўланган давлат божи қайтарилиши белгиланган бўлиб, амалда қайтарилмаган бўлса ҳам, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан умумий даъво муддати доирасида берилган даъво аризага илова қилиниши мумкин.

17. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимларга:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

ФПК 165-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

суд томонидан тан олинган бошқа зарур харажатлар киради.

Бошқа суд харажатларига (ФПК 132-моддаси биринчи қисмининг 5-банди) суд томонидан оқилона миқдорларда белгиланадиган, амалда йўқотилган вақт учун ундириладиган компенсация, вакилнинг ёрдами учун тўланадиган харажатлар ва ҳоказолар киради.

18. ФПК 135-моддасида ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларни тўлаш тарафлар зиммасига юклатилганлиги сабабли, ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ёки суд муҳокамаси давомида тарафлар томонидан ушбу маблағларни суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан киритиш чораларини кўриш лозимлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Суд чиқимларининг тарафлар томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, экспертни, мутахассисни чақириш, жойига бориб кўздан кечириш ҳақидаги илтимосномани, агар бу томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса, қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлмайди.

Бундай ҳолда ишни кўриш билан боғлиқ сарф қилинган чиқимлар, ФПК 141-моддасида белгиланган қоидалар бўйича суд ҳужжати қабул қилинаётганда ундирилади.

Шу билан бирга, ФПК 132-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суммаси суд томонидан белгиланиши ва ишда иштирок этувчи шахслардан ишни кўриш натижаларига кўра ундирилиши лозимлиги инобатга олинсин.

19. Тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 октябрдаги 570-сонли қарори билан тасдиқланган “Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланган.

20. Назарда тутиш лозимки, суд қарорини ижро қилиш билан боғлиқ харажатлар деганда, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 75-моддасида назарда тутилган харажатлар тушунилади. Уларни қоплаш мазкур Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

21. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 137-моддасида назарда тутилган амалда йўқотилган вақт учун ҳақ суд томонидан ишда мавжуд ҳужжатлар асосида:

даъвогардан – инсофсизлик билан асоссиз даъво тақдим этилганда ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишига мунтазам қаршилик қилганда;

жавобгардан – инсофсизлик билан даъвога қарши низолашганда ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишига мунтазам қаршилик қилганда ундирилиши мумкин.

22. Умумий қоидага кўра, иш бўйича суд харажатлари низода ноҳақ бўлиб чиққан тарафдан ундирилади.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ФПК 136-141-моддалари билан тартибга солинади.

Шу сабабли, суд (судья) суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, суд ҳужжатининг асослантирувчи қисмида тегишли хулосалар қилиши ва нафақат ундирувга бўлган ҳуқуқни, балки иш бўйича тарафлардан ундирилиши керак бўлган аниқ суммани белгилаб, уни суд ҳужжатининг хулоса қисмида кўрсатиши лозим.

23. Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар томонидан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи жавобгардан, агар у қонунга мувофиқ давлат божи тўлашдан озод қилинмаган бўлса, арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган бир нечта даъвогарлар томонидан бир нечта жавобгарларга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат божи ҳар бир жавобгардан алоҳида, ундан ундирилган суммадан келиб чиққан ҳолда давлат фойдасига ундирилади.

Тушунтирилсинки, даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса ёки даъво аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида ариза берса, у томонидан қилинган харажатлар жавобгар томонидан қопланмайди, жавобгар даъвогарнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирганлиги ҳолатлари бундан мустасно.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз даъво талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ёхуд шу асос билан даъвогарнинг аризасига биноан даъво ариза кўрмасдан қолдирилган ҳолларда, давлат божи жавобгардан давлат бюджетига ундирилиши лозим (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўн тўртинчи қисми).

Судларнинг эътибори “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддати тугагунга қадар даъвогар даъводан воз кечганлиги, тарафлар ўртасида келишув битими тузилганлиги муносабати билан алиментларни ундириш тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолда, жавобгардан давлат божи ундирилмаслигига қаратилсин.

24. Даъво қаноатлантирилиб, жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юклатилганда, суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар тартибда ундиради.

Бу қоида фуқаролик ишини кўриш билан боғлиқ чиқимларни ундиришга ҳам татбиқ этилади, бундан процессуал шерик иштирокчининг талаби билан ва фақат унинг манфаатида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар учун қилинган ва бошқа процессуал шерик иштирокчилар томонидан қопланмайдиган харажатлар мустасно.

25. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, фуқаролик ишларининг алоҳида тоифалари бўйича даъво баҳосини белгилашнинг хусусиятлари ФПКнинг 129-моддасида назарда тутилган.

Жумладан:

алимент ундириш ҳақидаги барча даъволардан (бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун) давлат божи бир йил учун алимент тўловларининг жами суммасидан, агар алимент ундирилган муддат бир йилдан ошмаса, шу давр учун алимент тўловлари жами суммасидан ҳисоблаб чиқилади. Тўловлар суммаси жавобгарнинг охирги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) дан келиб чиқиб аниқланади. Жавобгар ишламаган тақдирда, давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

алимент қарзини тўлашдан озод қилиш, алимент миқдорини ўзгартириш (камайтириш ёки кўпайтириш) ҳақидаги даъволар бўйича давлат божи тўловлар камайган, кўпайган ёки бекор қилинган, аммо бир йилдан ортиқ бўлмаган давр учун белгиланган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва даъвогардан ундирилади.

26. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошига мувофиқ, шартномаларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги даъво аризаларига шартнома тўлалигича ёки унинг бирон-бир қисми низолашилаётганлигидан қатъий назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича давлат божи тўланади.

Судларнинг эътибори “Давлат божи тўғрисида”ги қонун билан белгиланган давлат божи ставкаларининг фуқаролик ишлари бўйича судларига оид қисмида шартнома олди низолари бўйича тўланиши лозим бўлган давлат божи ставкалари белгиланмаганлиги ҳамда ФПК 129-моддасининг 2-бандида мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича даъвонинг баҳоси талаб қилинаётган мол-мулкнинг қийматига қараб белгиланиши назарда тутилганлиги сабабли, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ёки бекор қилиш ҳақидаги талаблар юзасидан низолашилаётган шартномада кўрсатилган пул қиймати (шартнома баҳоси) даъво баҳоси ҳисобланиши ва давлат божи мулкий хусусиятга эга даъво аризалар учун қонунда белгиланган ставка бўйича тўланиши лозимлигига қаратилсин.

Шу билан бирга, шартнома шартларини ўзгартириш ёки унга қўшимча киритиш ҳақидаги талаблар бўйича сўралаётган қўшимча ёхуд ўзгартириш шартнома қийматига таъсир қиладиган миқдордан, қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар арз қилинган ҳолда эса, номулкий хусусиятга эга талаб учун белгиланган ставкалардан келиб чиқиб, давлат божи белгиланиши лозимлиги тушунтирилсин.

Шунингдек, судларнинг эътибори битта низо предмети бўйича бир нечта битимлар низолашилганда, даъвонинг баҳоси низо предметининг қийматидан келиб чиқиб белгиланишига қаратилсин.

27. Мол-мулкка нисбатан мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганда, давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўн олтинчи қисми).

Бунда давлат божини ҳисоблаш учун мол-мулкнинг умумий қийматига қуйидагилар кирмайди:

шахсий ва мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта суммаси;

банкларда сақланаётган омонат суммалари ва облигациялар қиймати;

даромад суммалари (меҳнат ҳақлари), шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пул маблағлари;

асар муаллифининг мулкий ҳуқуқлари, асарни яратиш ҳамда ундан фойдаланиш муаллифлик ҳақи суммалари;

васиятнома ва ҳадя шартномалари бўйича давлат ва юридик шахсларга ўтаётган мол-мулк қиймати;

Ватанни ҳимоя қилиш, давлат ёки жамият олдидаги бошқа мажбуриятларни бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини қутқариш, давлат мулкини ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини бажариш пайтида вафот этган шахсларнинг мол-мулки;

уй-жой (квартира) ёки уй-жой қурилиш ширкатидаги пай, башарти, ворислар шу уй-жой (квартира)да мерос қолдирувчи билан бирга яшаб келишган, у вафот этган кунга қадар рўйхатдан (пропискадан) ўтишган ва мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётган бўлсалар.

28. ФПК 262-моддаси биринчи қисмининг 3-банди талабларига кўра, суд харажатларини ундириш масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори фақат ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини тақсимлаш назарда тутилмаган ҳолда чиқарилиши мумкин.

29. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 8-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация, тафтиш шикояти билан мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилган.

Апелляция, кассация, тафтиш шикоятидан воз кечилганлиги сабабли шикоят бўйича иш юритиш тугатилганда, тўланган давлат божи қайтарилмайди, агар шикоят беришда давлат божи тўланмаган бўлса, давлат божи шикоят берган шахсдан ундирилади.

30. Апелляция, кассация ва тафтиш суд инстанциялари фуқаролик ишларини кўришда қуйи судлар томонидан суд харажатларини ундиришда йўл қўйилган хатоларни тузатиш чораларини кўриши лозим.

31. Юқори инстанция суди томонидан суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилганда, суд харажатларини тақсимлаш масаласи иши янгидан кўраётган суд томонидан, дастлаб тўланган (ундирилган) давлат божи ва даъво талабларининг қаноатлантирилган миқдори ҳисобга олинган ҳолда, ҳал этилади.

32. Суд харажатлари нотўғри ундирилган ҳолатлар аниқланганда, апелляция, кассация ва тафтиш инстанциялари судлари процессуал қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда суд харажатларини ундиришга, ундирилган сумма миқдорини камайтиришга ёки уларни қайта тақсимлашга, шунингдек, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда уларни тўлашдан озод қилишга ҳақли.

33. ФПК $419^{15}$-моддасида Олий суднинг судьяси тафтиш тартибидаги шикоятни ўрганиш давомида юридик аҳамиятга молик бўлган бир қатор ҳаракатларни амалга ошириши, шу жумладан, тафтиш тартибидаги шикоятни зарур бўлган ҳолларда ишни талаб қилиб олган ҳолда ўрганиши, ўрганиш натижалари бўйича суд ҳужжатларини тафтиш тартибида текшириш учун асослар мавжуд бўлмаса, шикоятни судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган процессуал ҳужжат (ажрим) чиқариши назарда тутилган.

Шунга кўра, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 3-моддасининг биринчи қисми ва 5-моддасининг 1-бандига асосан, давлат божи олдиндан тўланмаган ёки кам миқдорда (тўловни кечиктириш, камайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланган бўлса) тўланган ҳолда топширилган тафтиш тартибидаги шикоят судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказиш рад этилганда ҳам, давлат божини ундириш масаласи судья томонидан умумий асосларда ҳал қилиниши лозим.

34. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда давлат божи тушумлари ҳисобга олиниши юзасидан мунтазам равишда таққослаш ўтказишлари, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

35. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** — **Б. ИСЛАМОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** — **Н. ХАКИМОВА**

---

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қонунчиликка тергов судьялари томонидан жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритиш босқичида процессуал қарорларга санкция бериш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш масалаларини қонунчиликда белгилаш учун тергов судьяларининг ваколатлари жумласига киритилган ишларни кўриб чиқиш асослари ҳамда тартибини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

# Тергов судьяси ЛАВОЗИМИ

## *унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда*



Сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Мажлисда “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

**БОШ ПРОКУРАТУРА ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ЗИММАСИГА БЮДЖЕТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ФОШ ЭТИШ, ҲАР ТОМОНЛАМА, ТЎЛИҚ ВА ХОЛИСОНА ТЕРГОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛДИ.**

Таъкидланганидек, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг зиммасига бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилишларининг профилактикасини таъминлаш, иқтисодий жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона тергов қилиш соҳасида қўшимча вазифалар юклатилди.

Ўз навбатида, қонун билан Жиноят-процессуал кодекси ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга Департаментнинг жиноят ишлари бўйича терговни юритиш борасидаги ваколатлари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Бюджет кодексига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат молиявий назорати органларининг ваколатлари Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Давлат молиявий назорати инспекциясининг зиммасига юклатилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилаётгани алоҳида қайд этилди.

Мажлисда тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

Жамиятимиз мақсади

# Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги янги қадамлар



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўз навбатида, Президентимизнинг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”, “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан 2024 йил 13 декабрда ўтказилган видеоселектор йиғишлишида ижтимоий ҳимоя бўйича ўтган йилги 34 та муҳим янгиликка қўшимча 28 та янги ташаббус илгари сурилди. Мазкур ташаббусларнинг бир қатор муҳим жиҳатларини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

***Биринчидан,*** ижтимоий ҳимоя соҳасини таълимни ривожлантириш орқали ислоҳ қилиш, жумладан, таълимнинг ҳар бир босқичида ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратиш мақсад қилинмоқда.

Энг аввало, оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилиниб, боғча тўлови қисман қоплаб берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, имконияти чекланган болалар учун ҳар бир туманда биттадан боғчада инклюзив таълим гуруҳини очиш ҳам муҳим ташаббуслардан биридир.

Камбағалликни қисқартиришда кам таъминланган оилалар фарзандларини чет тили, IT ва касб-ҳунарга ўқитиш муҳим ўрин тутади. Бу борада тўгараклар очиб, камбағал оилалардаги 118 минг нафар ёшларни ўқитишни бошлаш вазифаси қўйилди. Энг муҳими, тўгарак харажатлари 80 фоизгача бюджетдан қопланади.

Ногиронлиги бор болалар учун 954 та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, яна 1 минг 800 нафар ногиронлиги бор бола таълим олиши учун шароит яратилади. Ҳаракати чекланган болаларга мактабга келиб-кетиш харажатининг 75 фоизини қоплаш тизими жорий қилинади.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда олий таълим тизими ҳам четда қолмаслиги керак. Давлатимиз раҳбари томонидан камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, 2025 йилда 3,5 минг ёшларни олийгоҳга грант асосида қабул қилиш зарурлиги қайд этилди.

***Иккинчидан,*** ижтимоий ҳимоя соҳасида тиббий ёрдамни янги босқичга олиб чиқиш зарур. Чунки бугунги кунда камбағал оилалардаги 460 минг нафар фуқаро тиббий ёрдамга муҳтож. 2025 йилда муҳтож одамларнинг жарроҳлик амалиёти учун Тиббий суғурта жамғармасига қўшимча 185 миллиард сўм ажратилади. “Ижтимоий дафтарлар” маблағи фақат камбағал оилалар яшаш шароитини яхшилаш, уларга тиббиёт, таълим хизматларини кўрсатиш ва уларнинг даромадини оширишга сарфланади. Адолат бўлиши учун эндиликда бу маблағлар тумандаги камбағаллар сонига қараб тақсимланиши таъкидланди.

Тиббиёт соҳасида ногиронлиги бор инсонлар билан ишлаш тизимини ривожлантиришда ҳам муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, соҳа учун масъуллар реабилитация бўйича кескин ўзгариш қилишлари керак.

Бунинг учун ҳар бир вилоят, туман шифохонасида реабилитация хизматлари йўлга қўйилади ва 12 та Ногиронларни реабилитация қилиш марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматлари қамрови 5 карра оширилади, 7 та тиббиёт олийгоҳида реабилитация кафедралари очилади. Профессор-ўқитувчилар Жанубий Корея тажрибаси асосида қайта ўқитилади. Республика реабилитация марказига Корея Республикаси ва Япониядан экспертлар олиб келиниб, маҳаллий мутахассислар малакаси оширилади.

Ногиронлиги бор фуқароларга бериладиган протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 30 тага, маблағи эса, 1,5 баробар оширилди. Бунинг эвазига йил бошидан 100 минг одамнинг эҳтиёжи таъминланди. Энди рўйхатга яна 7 турдаги воситалар қўшилиши белгиланди.

***Учинчидан,*** ижтимоий ҳимоя соҳасида аҳолини уй-жой билан таъминлашда янгича ёндашувга ўтиш шарт. Ҳозирда 400 та кўп қаватли ижтимоий уйда 25 минг аҳоли истиқомат қилади. Лекин улар яқин қариндошлари ва одатий яшаш шароитидан анча узоқлашиб қолаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан эҳтиёжманд аҳоли вакилларини битта ижтимоий уй-жойга жойлаштиришдан воз кечилади. Уларга ўзининг маҳалласига яқин жойдаги уйни ижарага олишга рухсат берилади, харажати қоплаб берилади.

***Тўртинчидан,*** ижтимоий ҳимоя соҳасида ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш даркор. Яратилган имкониятлар ҳисобига ўтган йили тадбиркорлар ногиронлиги бўлган 40 минг шахсни ишга олди. Буни янада кенгайтириш мақсадида, 1 январдан ногиронлиги бўлган ишчилар учун ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланади.

Корхоналарга сурдотаржимон, психолог ва кўзи ожизлар учун ҳамроҳлик хизмати харажати учун 50 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Бундай одамларни ишга жойлаган хусусий бандлик компанияларига 500 миллион сўмгача грант берилади. Бунда ушбу компаниялар ишлаш истаги бор одамларни аниқлаб, уларни ўқитади, корхона талабига мослаштиради, иш даврининг дастлабки 6 ойида ҳамроҳлик қилади.

***Бешинчидан,*** ижтимоий ҳимоя соҳасида ижтимоий хизматларни соддалаштириш лозим. Ҳозирги кунда 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун фуқароларимиз туғилганлик, ногиронлик тўғрисида, пенсия, талабалик гувоҳномаси, банк картаси каби 10 дан ортиқ ҳужжатни кўтариб юришга мажбур бўлмоқда.

Бундай оворагарчиликка чек қўйиш вақти келганини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари барча ҳужжатларнинг ўрнини босадиган битта – ижтимоий карта жорий этилишини эълон қилди. Ижтимоий карта билан автобус ва метрода бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажатига компенсация олиш мумкин бўлади, нафақа ва ёрдам пуллари ҳам шу картага тушади. Бу тизим 2025 йил 1 июлгача Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида синовдан ўтказилади, йил якунигача эса, ҳамма жойда ишга туширилади.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасини ривожлантиришда парламентнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ижтимоий ҳимоя соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил йўналишида ўз ўрнига эга бўлиши лозим.

Маълумки, ижтимоий давлат принципларига содиқ қолаётган давлатларда мазкур соҳадаги муносабатлар ягона Ижтимоий кодекс орқали тартибга солинади. Ижтимоий кодекс Германия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда мавжуд.

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларига эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда парламентнинг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш, мавжуд қонун ҳужжатларини бугунги кун талабларига мослаштириш ва босқичма-босқич соҳа қонунчилигини уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш — давр талаби.

Ўз навбатида, бугунги кунда ижтимоий ҳимоя соҳасига давлат бюджетидан салмоқли маблағлар ажратилмоқда. Бу муҳим омилни инобатга олган ҳолда, айни соҳада парламент назорати шаклларидан изчил ва самарали фойдаланиш керак.

Қонун моҳияти

# Одам савдосига ҚАРШИ КУРАШ



## бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида **“Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари кучайтирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”**ги қонун сенаторлар томонидан маъқуллангани муҳим аҳамият касб этади.

Янги қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг давоми сифатида давлатимизнинг миграция сиёсатида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Маълумки, Жиноят кодексининг 135-моддаси одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалардан иборат. Ушбу модданинг иккинчи қисми “а” бандида қайд этилган белгилар бўйича, яъни ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали содир этиш учун жазо чораси Жиноят кодексининг 137-моддаси (одам ўғирлаш) иккинчи қисми санкциясига мувофиқ эмас.

Бундан ташқари айни моддада одам савдоси жинояти объекти бўйича оғирлаштирувчи банд сифатида ҳомиладор аёлга нисбатан қўлланиши қайд этилмаган.

Шу нуқтаи назардан, янги қонун билан Жиноят кодексига ушбу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо чораларини белгиловчи ўзгартишлар киритилмоқда. Янги қонун билан, жумладан:

- ҳомиладор аёлга нисбатан содир этилган одам савдоси қилмиши учун Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми оғирлаштирувчи ҳолат сифатида “ҳомиладор аёлга нисбатан” деган банд;
- илгари одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахс томонидан одам савдоси билан шуғулланганлик учун жавобгарликни Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми оғирлаштирувчи ҳолат сифатида “илгари ушбу Кодекснинг 137-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан” деган банд;
- фоҳишаликка жалб қилиш мақсадида одам савдоси жиноятини содир этиш Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми оғирлаштирувчи ҳолат сифатида “фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида” деган банд билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали одам савдоси қилмиши, шунингдек, вояга етмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилиши Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми билан малакаланиши белгиланмоқда. Бундай қилмишлар уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши қайд этилмоқда.

Ушбу янги қонунни ишлаб чиқиш жараёнида АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Грузия, Озарбайжон, Арманистон каби хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилди.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга, унга қарши самарали курашишга, бундай қилмишлар учун мутаносиб жазо чораларини белгилашга, қолаверса, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

*Парламент фаолияти*

# Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, қарздорликнинг тугатилиши қарздорга нисбатан қўлланилган барча чекловларнинг ҳам бекор қилинишига сабаб бўлади. Суд ижроси тугалланганидан сўнг қарздорнинг мулкий аҳволини кузатиб бориш имконияти бюро органларида мавжуд эмас, қонунчиликда ҳам мустаҳкамланмаган. Бу каби ҳолатлар турли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан қонунчилигимизда янги Мажбуриятлар реестри институтини жорий этиш назарда тутилмоқда. Қарздорнинг мол-мулки ёки пул маблағлари Мажбуриятлар реестрида аниқланган тақдирда, ижро ишини қайта тиклаш, шунингдек, Солиқ кодексида Мажбуриятлар реестрига киритилган солиқ қарзига пеня ҳисобланмаслиги белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари тўлиқ ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиши таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЕНГИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мажлисда ер участкаларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда ер участкаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ кўплаб тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар бирон-бир фаолият турини амалга ошириш учун олинган ер участкаларидан фойдаланиш турини рухсатсиз ўзгартириб, ер ва шаҳарсозлик қонунчилиги талабларига зид равишда бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди.

Шунга кўра, келгусида ер участкаларидан фойдаланишнинг рухсат этилган турларини белгилаш ҳамда бундан ер участкалари фойдаланувчилари, ижарачилари ҳамда мулкдорлари хабардор бўлишини таъминлашга қаратилган нормаларни жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида 3 та кодекс ва 5 та қонунларга ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш тизимини жорий этиш, уларни белгилаш ва ўзгартириш тартиблари ўз ифодасини топмоқда. Қолаверса, аҳолининг кўп сонли таклиф ва эътирозлари инобатга олинган ҳолда фуқаролар томонидан турар жойларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик юзасидан белгиланган жавобгарлик енгиллаштирилмоқда, яъни жарима миқдори камайтирилмоқда.

Қонун лойиҳаси ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш, ер участкаларидан фойдаланиш жараёнида ер ва шаҳарсозлик қонунчилиги ўртасидаги муносабатларни таъминлашга хизмат қилади. Эътиборлиси, давлат ер ва шаҳарсозлик кадастрларини юритиш тартибини такомиллаштириш ҳамда турар жойга бўлган ҳуқуқини ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказмаган фуқароларга нисбатан маъмурий жавобгарлик енгиллаштирилишига эришилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ТАҚИҚЛАНМОҚДА

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — келажак авлод соғлиғини сақлаш ва миллат генофондини соғломлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Кўпчилик электрон сигареталарнинг зарари кам, деб ўйлайди. Бироқ мутахассислар фикрича, электрон сигареталарда никотин моддасидан ташқари канцероген, заҳарли бўлган 80 хил кимёвий бирикмалар ва оғир металлар мавжудлиги боис, уларнинг инсон соғлиғига, атроф-муҳитга жиддий зиён етказиши аниқланган.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистонда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шу жумладан, электрон сигареталар ва улар учун суюқликларнинг муомаласи тақиқланмоқда. Шунингдек, айланмаси тақиқланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шу жумладан, электрон сигареталарни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мажлисда мамлакатимизда ушбу ҳолатларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш, жойларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли, айниқса, келажак авлод саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилиши қайд этилди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИГА ҚАНДАЙ ҲУҚУҚ БЕРИЛМОҚДА?

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш ва кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, қонун лойиҳаларини парламентга киритишда қонун лойиҳасининг ва халқаро шартнома матнининг ҳуқуқий экспертизалари натижалари ҳамда қонун лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси ва жамоатчилик муҳокамаси натижаларини тақдим этиш, шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилингунига қадар уни чақириб олиш юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига таклиф киритиш ҳуқуқини бериш, қонунлардаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш ва ҳаволаки нормаларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти сифатини ҳамда қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини янада оширишга хизмат килади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

**ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Қимматга тушган ЭҲТИЁТСИЗЛИК

***Бугунги кунда турмуш тарзимизни узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган қулай восита автомашиналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу яхши, албатта, аммо автомашиналардан фойдаланишда амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни йўқотмаслик жамиятимизда хавфсиз ҳаёт тарзини таъминлашнинг асосий шартидир.***



Албатта, бу ҳақда бежизга фикр юритаётганимиз йўқ. Чунки ҳаётда баъзи кимсалар автомашинани бошқаришда ҳушёрликни унутиб қўйиши оқибатида турли хил нохуш ҳодисалар содир бўлмоқда.

Мисол учун Қўшкўпир туманида айнан амалдаги Йўл ҳаракати қоидалари талабига амал қилмаслик оқибатида рўй берган мудҳиш воқеа ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Айтиш керакки, бу нохўш ҳодиса транспорт воситаларининг ҳаракати учун ноқулай ҳисобланган тиғиз йўлда эмас, балки қатнов имкони анча яхши бўлган катта кўчада содир бўлди. Отасига тегишли, давлат рақами “90 K 086 JA” бўлган “Nexia-2” автомашинани бошқарган Хуршид Дўстматов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ярим тунда туман марказидаги Беруний кўчаси бўйлаб ҳаракатланар экан, эҳтиёткорлик ва ҳушёрликни буткул унутди, Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузди. Хавф эса, нақ оёқнинг остидан чиқди: айни шу маҳал катта кўчани кесиб ўтаётган икки нафар пиёда фалокат домига тушди.

(Давоми 6-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

*Тарих тилсимлари*

# АМИР ТЕМУР



Амир Темур аёлларга меҳрибон бўлган. Айниқса, опаси Туркон хонимни жуда яхши кўрар, доим ҳурматини жойига қўярди. Кўрагон унвонига эришувининг боиси саналгувчи Сароймулк хоним билан эса, ҳар замон маслаҳатлашар, унинг фикрларига қулоқ соларди.

Амир Темур Бухоро шаҳрига борганида катта дарвоза қаршисида отидан ерга тушар ва шаҳарга пиёда юриб кирарди. Чунки онаси бу маконнинг мўътабар руҳоний оиласига мансуб эди.

Бир гал ҳарбий сафар чоғида аскарларга тарқатилувчи ақча тугаб қолганини Амир Темурга айтишади. Шунда Соҳибқирон Сароймулк хонимга чопар билан бирга мактуб йўллайди, лашкарга берилажак тўловни давлат хазинасидан олдириб юборишини сўрайди. Сароймулк хоним унга бундоқ жавоб жўнатади: "Амирим, маблағингиз битибди, сиёсатингиз ҳам тугадими?"

Соҳибқирон хатни олгач, узоқ ўйга толади. Сароймулк хоним бу доно жавоби билан нима демоқчи? Кейин Амир Темур бундай йўл тутади. Эти ейилган ҳайвонлар суягидан турли шаклда ақчалар ясаттиради. Уларга муҳр бостириб, пул ўрнида лашкарга тарқатади. Кейинроқ эса, уларни ҳақиқий ақчага алмаштириб беради. Шу тарзда аскар маошида узилиш бўлишининг олди олинади ва вазият оқилона идора этилади. Маълумки, Чингизхон ўрдусида черикка маош берилмасди. Амир Темурнинг бу борадаги фарқли тутумларидан бири шуки, жангчилар ғаниматдан ташқари маош ҳам оларди.

**ЖАЗОЛАР**

Амир Темур жазо қонуни ва ижросида шахснинг аслияти ва рутбасига алоҳида диққат қилган. Мирзоларнинг айбини, умуман, кўриб-кўрмасликка олар ёки уларга енгил жазо тайинлар эди. Дарра уриш, маълум бир муддатга қабул қилмаслик, мартабадан тушириш каби жазолар берарди. Бунақа пайтларда айбнинг кўпроғи мирзоларнинг маслаҳатчилари, амирларига ағдариларди. Масалан, Мироншоҳнинг қилиқларидан қаттиқ оғринган Амир Темур у Райда отаси ҳузурига киришни истаганида салтанат ишига халал бергани боис уни илк кун қабул қилмади. Иккинчи куни эса, эрталаб ҳузурига киритса-да, аммо илтифот этмади. Шу билан бирга, тафтишчилар юбориб, Мироншоҳни йўлдан урганларни оғир жазолади.

Тағин бир мисол: мирзолардан Пирмуҳаммад, гарчанд Амир Темур Бағдод сафарига чиқишга буюрса ҳам, хасталигини баҳона қилиб, буйруқни бажармагани сабаб лавозимидан олиниб, Соҳибқирон ҳузурига келтирилган. Амир Темур Пирмуҳамммад мирзонинг маслаҳатчилари – шайхзода Фарид билан Муборакхўжани қатл эттирди. Пирмуҳаммадга эса, девон қарорига кўра, дарра урилди, холос.

Яна бир мисол: Амир Темурнинг невараси султон Ҳусайн мамлуклар билан бўлган урушда бир тўдага қўшилиб, ўрдудан қочади ва Дамашқ шаҳрига йўл олади. Миср ҳукмдори султон Фараж ҳузурига кириб, унга тобелигини маълум қилади. Султон Ҳусайннинг Баротхўжа ва Адуқ деган навкарлари бу хусусда Амир Темурга хабар берадилар. Амир Темур ўрдусининг Фаражга қарши жангида султон Ҳусайн мамлуклар сафидан ўрин олади. Уруш пайтида Мироншоҳ ва Шоҳрухга зарба беришга чоғланган султон Ҳусайн Тўполоқ қавчин тарафидан қўлга туширилади ва Амир Темур ҳузурига келтирилади. Султон Ҳусайн бу хиёнатига қарамай, ҳам ўзи, ҳам Шоҳрухнинг афв этилишини сўрайди ва фақат дарра жазосига буюрилди. Аммо бир муддат Соҳибқирон ҳузурига киритилмайди.

Амир Темур "Тузукот"ида мирзоларга нима сабабдан бу тарзда жазо тайинлангани ҳақида фикрлар бор. Амир Темурнинг фикрича, мирзолар мавжуд тизим ва салтанатга қарши бош кўтарса, бунинг жазоси ўлим эмас. Ўз оиласи ва сулоласига зарар етишни хоҳламаган Амир Темур исёнкорни ўз фикридан қайтгунича зиндонбанд этиб турган. Чунки Амир Темурнинг ўйлашича, мирзоларнинг оғир жазога буюрилиши халқ орасида бузғунчилик ва фитна-фасод урчишига сабаб бўлади.

*(Давоми келгуси сонда)*

**Турк тилидан Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси**

*Қизиқарли* **ФАКТЛАР**

***Маълумки, инсон саломатлиги учун кўпгина омиллар қатори уйқу ҳам муҳим ўрин тутиши аллақачон ўз исботини топган. Шунингдек, бу борадаги янги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ухлаш жараёнида нафақат инсон вужуди дам олади, балки бу мия нейронлари қайта фаоллашишида ҳам ўта муҳим ўрин тутади. Тадқиқотчилар уйқу жараёнида нейронлар қисқа муддатга тинч қолиб, сўнг янги маълумотларни қабул қилишга тайёрланишини аниқлашди.***




Аслида, уйқу жараёнида инсон мияси қабул қилинган маълумотлар базасини "тозалаш" билан банд бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, меъёрда ухламаслик оқибатида нейронлар самарасиз бўлиб қолади, бу эса, инсон хотираси сусайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Уйқу ҳақида фикр юритганда, яна бир қизиқ ҳолат киши эътиборини тортмай қолмайди. Гап шундаки, мутахассисларнинг қайд этишича, инсон беш дақиқа ичида уйқуга кетса, бу ҳол унда уйқу етишмаслик ҳолати мавжудлигидан далолат беради. Чунки 10-15 дақиқа ичида ухлаш меъёрдаги ҳолат ҳисобланади.

Яна бир қизиқ маълумот: янги туғилган чақалоқ ўз ҳаётининг биринчи йилида ота-онасини ўртача 400-750 соат давомидаги уйқудан маҳрум қилар экан. Дунё тарихида ухламаслик бўйича рекорд 18 кун 21 соат 40 дақиқани ташкил этади. Аммо рекордчи 18 кунлик уйқусизликдан сўнг галлюцинация, яъни кўриш, гапириш қобилиятининг сусайиши, хотиранинг қисман йўқолиши каби касалликларга дучор бўлган.

2001 йилда олимлар қизиқ бир тажриба ўтказишган. Яъни улар ухлаётган одам тиззасининг орқа тарафига кучли ёруғлик туширишган. Натижада одамнинг ухлаш кўникмаси ва биологик соати ишдан чиққан. Нега шундай ҳолат рўй бергани, унинг сабабларини олимлар ҳанузгача изоҳлаб беришгани йўқ. Бу ҳам, ўз навбатида, инсоннинг ўзи ҳали тўлиқ кашф этилмаган тилсим эканини яна бир марта кўрсатади.

Илмий тадқиқотларга кўра, 17 соат давомида ухламаслик оқибатида одам соғлиғига жиддий зарар етади. Бунинг оқибатида оддийгина иш фаолиятини тўлиқ бажара олмай қолади. Шунингдек, халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, автомобиль ҳалокатларининг айнан 20 фоизи ҳайдовчининг жисмонан чарчаши ва уйқусизлиги натижасида келиб чиқар экан. Аммо одамлар бундай кўнгилсиз фалокатларнинг олдини олишнинг чорасини ҳам топишмоқда. Хусусан, Япониядаги жонли табиатни муҳофаза қилиш фондининг мутахассислари ҳайдовчиларга автомобиль бошқариб кетаётиб, уйқунгиз келиб қолса, сақич чайнаб, тетикланишга ҳаракат қилинг, деб маслаҳат бермоқдалар. Улар бу борада 15 йиллик тажрибага эга ҳайдовчилар иштирокида тажриба ўтказишган. Натижада улар битта сақич чайнаш бир пиёла қаҳва ичишга нисбатан анча узоқ таъсир этиб, ухлаб қолишнинг олдини олишини аниқлашга муваффақ бўлишди.

Буни қарангки, тезкор илмий-тараққиёт натижасида бугунги кунда меъёрдаги уйқу 9 соатдан ўртача 7,5 соатга қисқарган. Натижада кунига 4 соатдан кам ёки 9-10 соатдан кўп ухлаган инсонлар орасида бевақт ўлим сони ортган.

Уйқу билан боғлиқ яна бир муҳим маълумот: катталар тунги уйқусизликни кундузги уйқу орқали енгса, уйқусизликка дучор бўлган болалар гиперактив ҳолатга тушиб қолар экан. Одатда, шифокорлар, иложи бўлса, уйқусизликдан халос бўлиш мақсадида умуман дори ичмасликни тавсия қилишади. Бу фикрда жон бор. Чунки уйқу дорилари организм учун зарарли ҳисобланади. Мюнхендаги касалхона мутахассислари уйқу дори ўрнига қадимги усулдан фойдаланишни, яъни беланчакда тебраниб, мусиқа тинглашни таклиф қилишмоқда. Бунда беланчак, албатта, катталарга мўлжалланган бўлади, аллани эса, аудиодискда қўйишган. Ҳайратланарли томони шундаки, шифокорлар ушбу тажрибадан тўлиқ қониқиш ҳосил қилганлар, чунки тажриба жараёнида кўнгилли мижозлар аллага ишқибоз уйқучи бўлиб қолганлар.

Кўпчилик кунига 8 соат ухламаслик оқибатида саломатликка зарар етиши мумкин деб ўйлайди. Лекин британиялик профессорларнинг айтишича, бу қоида афсонага айланиб қолган. Ҳар бир инсон учун идеал ухлаш вақти йўқ, чунки организмнинг уйқуга эҳтиёжи турлича: кимдир 7 соат ухлаб ҳам ўзини тетик ҳис қилса, бошқа бировга 9 соат ҳам камлик қилиши мумкин.

Яна бир жиҳати, ҳар бир инсоннинг биологик соати ўзига хос бўлиб, бошқаларникидан бутунлай фарқ қилади. Шундай экан, организмга қулоқ солиб, ўзингиз учун энг яхши ухлаш режимига эга бўлиш муҳим. Чунки ухлаш ҳаёт сифатига, диққатни жамлаш қобилиятига ва иш самарадорлигига катта таъсир қилади.

Олимларнинг таъкидлашича, уйқу нафақат жисмоний тикланиш, балки руҳий соғломлик учун ҳам асосий омилдир. Унинг етишмаслиги инсоннинг ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолатни ёритган тадқиқотлар уйқусиз қолган кишилар депрессия, хавотирлик ва бошқа руҳий муаммоларга мойил бўлишини таъкидлашган.

***Интернет материаллари асосида Шаҳло Худойберганова тайёрлади.***

*Ҳурматли газетхонлар!*

*Ҳар кун сизлардан таҳририятимизга кўплаб мактублар келади. Бу мактубларда бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган тарихий ислоҳотлар ва уларнинг амалдаги самараси, жамиятимиз ҳаётида юз кўрсатаётган янгиликлар тўғрисида фикрлар билдирилган.*

*Шунингдек, турли мавзуларда ҳуқуқий маслаҳат сўраб, ёзилган мактублар ҳам бор.*

*Бундан ташқари бизга айрим газетхонлар ўзларининг ижод намуналарини ҳам йўллашган. Қуйида қашқадарёлик ижодкор Музаффар Маҳматмуродовнинг ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.*

***Таҳририят***

## Мунаввар лаҳзалар

**ҲУКМ...**

*Суд залида.., сукунат чўмган,*
*Бизни қийнар қалб хавотири.*
*Ҳаммамизни хаёллар кўмган,*
*Бош масала: Инсон тақдири!.*

*Айбдор ғамгин, турар боши хам,*
*Тик қадалган унга нигоҳлар:*
*Жиноятга кирган адашиб,*
*Кўнгил тўла пушаймонлар.*

*Оқил қози ва одил судлов,*
*Ҳукм баралла янграр: озодлик!*
*Ортда қолди бор бало... Оқлов,*
*Зални зумда тўлдирар шодлик.*

*Гўё энди туғилди одам,*
*Нетонг, сизса ёш кўзингиздан.*
*Зотан, қайта яралди олам,*
*Хулосаси — бир ўзингиздан.*

**ИБРАТ**

*Аёзда турибсан дарахт шохида,*
*Матонат-ла тутиб, япроқ, ўзингни.*
*Тебраниб қўясан гоҳи-гоҳида,*
*Айтмоқчи бўлгандай юрак сўзингни.*

*Биз, ожиз бандалар тушунармидик*
*Сендаги садоқат, вафонинг кучин!*
*Бефарқлик, лоқайдлик, ҳаттоки жимлик,*
*Муносиб бўлдикми элу юрт учун?!*

*Эй инсон, маъно топ ҳар қарашингда:*
*Сиру-синоатга тўла бу дунё.*
*Фикр қил — не ташвиш бўлса бошингда,*
*Борлиқдан ибрат ол, йўлингдир зиё.*

**Музаффар МАҲМАТМУРОДОВ,**
*Қашқадарё вилояти,*
*Яккабоғ тумани,*
*Зармас қишлоғи*

◀ (Бошланиши 5-бетда)

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Қимматга тушган эҲТИЁТСИЗЛИК



... Туман марказида яшовчи Умид Йўлдошев ва Қаҳрамон Жуманиёзов ўша куни кечқурун тўйхонадаги базмдан яхши кайфиятда қайтишаётганди. Улар базмдан сўнг аввалига янги йил муносабати билан безатилган кўркам маданият ва истироҳат боғини сайр қилишди. Сўнгра уйларига йўл олишди. Уйларига эса, айнан юқорида қайд этилган Беруний кўчаси орқали бориларди. Қўшнилар кўчадан ўтаётганда эҳтиёткорликни бир зумгина унутишди, негадир жуда секин қадам олишди. Иттифоқо, айни шу дамда Х.Дўстматов бошқариб келаётган автоулов ҳам шу йўлда: улар орасидаги масофа шиддат билан тобора қисқармоқда — ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўли ҳадемай бир жойда кесишади. Бундай қалтис вазиятда биров бошқасига албатта, йўл бериши шарт. Бу борада транспорт воситалари бошқарувчилари зиммасига алоҳида масъулият ва мажбурият юклатилган. Хусусан, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 110-бандига кўра, агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштирса ёки тўхтаса, қўшни бўлакларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин.

Афсуски, юқорида баён этилган воқеада бунинг акси рўй берди. Х.Дўстматов амалдаги қоидаларни писанд қилмади, пиёдаларга йўл бериш, шу аснода ўзи ва ўзгаларнинг ҳаёти, соғлиғи, хавфсизлигини таъминлаш борасидаги бурч ва мажбуриятларини унутиб қўйди. Рўпарасида катта хавф пайдо бўлса-да, уни бартараф этиш чораларини кўрмади, яъни ҳаракат тезлигини зарур даражада пасайтирмади, пиёдаларга йўл бермади. Оқибатда фалокатли воқеа содир бўлди: у бошқарувидаги автомашинаси билан катта кўчани кесиб ўтаётган Ў.Йўлчиев ва Т.Тожиевни зарб билан уриб юборди...

Автоҳалокат содир бўлгач, Х.Дўстматовнинг кўзлари очилди, у гарчи кеч эса-да, автомашинасини тўхтатиб ёрдамга ошиқди. Ҳар икки жабрланувчини зудлик билан шифохонага олиб борди. Бироқ шифохона остонасидан негадир ортига қайтди, ҳаёти учун хавфли даражада оғир тан жароҳати олган Т.Тожиевни ўз уйига элтиб қўйди. Енгилроқ жароҳат олган Ў.Йўлчиев эса, тиббий ёрдамга муҳтож эмаслигини айтиб, уйига қайтди.

Х.Дўстматов эса, яна "отини қамчилади". Жабрланувчиларни уйига олиб боргач, фалокат натижасида шикастланган автомашинасини тузатиш учун Урганч шаҳри томон йўл олди. Ички ишлар ходимлари уни тун ярмига оққанида йўқлашди: зудлик билан воқеа жойига етиб келиш зарурлигини айтишди. Х.Дўстматов уларнинг талабини рад этмади, тезда автоҳалокат содир бўлган жойга етиб келди.

Маълум бўлишича, у Урганчга жўнаб кетгач, жабрланувчи Т.Тожиевнинг соғлиғи жиддий тарзда ёмонлашган: бир пасда ҳушини йўқотган. Уйидагилар уни зудлик билан яна касалхонага олиб боришган, бироқ шифокорларнинг тезкорлик билан кўрсатган ёрдами ҳам фойда бермаган: жабрланувчи ҳаётдан кўз юмган...

Бу нохуш хабарни эшитиб, Х.Дўстматовнинг ҳуши бошидан учди. У ўзининг қилмишининг аянчли оқибатини ҳис этгач, жабрланувчининг оиласидан кечирим сўради. Пировардида марҳумнинг маъракаси билан боғлиқ сарф-харажатлардан ўзини четга олмади. Буларнинг бари унинг ўз қилмишига иқрорлиги, пушаймонлигидан далолат, албатта.

Тергов ва судда Х.Дўсматовнинг айтишича, воқеа жойида унинг автомашинаси билан ёнма-ён ҳаракатланаётган юк автомобили пиёдаларни кўриш-кузатиш ва зарур чораларни ишга солишга жиддий халақит берган. Бунинг оқибатида у йўлни кесиб ўтаётган пиёдаларни кўрмай қолган.

Маълумки, йўл ҳаракатига оид қоидалар ҳар бир ҳайдовчидан масъулият, ҳушёрлик ва сезгирликни талаб этади. Афсуски, Х.Дўстматов транспорт ҳаракатининг ана шу муҳим жиҳатини назарига илмади. Кўзи эса, машъум воқеа рўй берганидан сўнг очилди.

Х.Дўстматов тергов ва суд жараёнида ҳам ўз қилмишига иқрорлик билдирди ва енгилроқ жазо тайинлашни сўради. Аммо жабрланувчи тараф, яъни марҳум Т.Тожиевнинг оила аъзолари Х.Дўстматовнинг қилмишини кечиришмади. Суддан жиноятига яраша жазо тайинлашни сўрашди.

Суд масаланинг барча жиҳатларини синчиклаб ўрганди. Судланувчининг айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганини, шу билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эътирозини инобатга олди. Судланувчи Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисмида ифодасини топган ҳолатлар бўйича 2 йил муддатга автоуловларни бошқариш ҳуқуқидан ҳамда 4 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жабрланувчининг вакилига жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан тегишли суд маҳкамасига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Хулоса ўрнида айтганда, юқорида баён этилган воқеадан ҳам кўринадики, ҳайдовчиларнинг ҳушёрлик ва сезгирликни унутиши, бундан аянчлиси, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларига беписандлик билан қараши охир-оқибат кўнгилсизлик билан якун топади.

Шундай экан, йўлларда хоҳ ҳайдовчи, хоҳ йўловчи сифатида ҳаракатланганда, амалдаги қоидаларга қатъий риоя этишимиз — ҳар қандай нохуш воқеаларнинг олдини олишнинг асосий шарти эканини унутмайлик.

**Фурқат ИСМОИЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир туман суди раиси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч – адолатда" мухбири*

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:*** Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6626
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $21^{15}$.